



Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан тақдирот билан танишди.



Президент Шавкат Мирзиёев судларда комплаенс назорат тизими самардорлигини оширишга оид тақдирот билан танишди.



Давлатимиз раҳбари суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва адолат муҳитини мустаҳкамлаш аҳолининг суд ҳимоясига бўлган ишончини оширишнинг муҳим омил эканини, тақлифларни пухта ишлаб чиқиш, комплаенс хизматига малакали кадрларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.



Президент Шавкат Мирзиёевга мис саноатда амалга оширилаётган йirik инвестиция лойиҳаларининг бориши ва келгусидаги режалар юзасидан ахборот берилди.



АЛ-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИ ЎЗЛИГИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

Халқаро математика ва информатика олимпиадасида
Ўзбекистон терма жамоаси

61 ТА МЕДАЛ

га сазовор бўлди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Ренессанс» оромгоҳида Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадаси ғолиблари тантанали тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, ушбу олимпиадада Ўзбекистон терма жамоаси жами 61 та медаль (11 та олтин, 22 та кумуш ва 28 та бронза)ни қўлга киритди. Қайд этиб ўтамиз: Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадаси ушбу фанлардан жорий йилнинг июль ойида ўтказиладиган Халқаро математика олимпиадаси (ИМО) ҳамда Халқаро информатика олимпиадаси (IOI)га навбатдаги тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БОЛАЛАР БЕПУЛ СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида янги ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида мамлакат бўйлаб 7-14 ёшдаги 1295 нафар ота-она қарамогидан маҳрум болалар касба уюшмалари оромгоҳларида 12 кун давомида бепул дам олади.

Болаларнинг йўлланма, транспорт ва дам олиш билан боғлиқ барча харажатлари давлат томонидан қопланади.

Маълумотларга кўра,

“**“** айна пайтда 1062 нафар бола оромгоҳларга юборилган бўлиб, улар учун соғломлаштириш тадбирлари бошлаб юборилган.

АБИТУРИЕНТЛАРГА ЭСЛАТМА: РҮЙХАТДАН УТИШДА ЎЗ ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗДАН ҲИДАЛАНДИ



2026/2027 ўқув йили учун олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул жараёнлари бошланган бир пайтда абитуриентлар учун муҳим оғоҳлантириш эълон қилинди. Мутахассислар онлайн рўйхатдан ўтиш жараёнида шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фақат ўз телефон рақамидан фойдаланишни тавсия этмоқда.

Маълум қилинишича, онлайн рўйхатдан ўтиш вақтида киритилган телефон рақами абитуриентнинг маълумотларини тасдиқлаш ва кейинчалик уларга ўзгартириш учун асосий восита ҳисобланади. Тизим томонидан юборилган SMS-код айна шу рақам орқали тасдиқланади.

Шу боис, бошқа шахснинг телефон рақами орқали рўйхатдан ўтиш тавсия этилмайди. Чунки мазкур рақам эгаси абитуриентнинг шахсий кабинетига боғлиқ маълумотларга кириш ёки уларни ўзгартириш имкониятига эга бўлиши мумкин.

ЎҚУВ ТАЪТИЛИ ДАВРИ ДАВОМИДА ХОДИМ ЎЗИНИНГ АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДА ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН ИШЛАСА БЎЛАДИМИ?



Батафсил билиш учун [ishonch.uz](https://t.me/ishonchuz) телеграм каналига ўтинг:

ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИЛАРИГА ХОРИЖДА ИШЛАШ ВА САЁҲАТ ҚИЛИШ УЧУН ССУДА АЖРАТИЛАДИ



Батафсил билиш учун [ishonch.uz](https://t.me/ishonchuz) телеграм каналига ўтинг:

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ


Хоразм вилоятида «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичи ижросини самарали ташкил этишга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясидан бириктирилган масъул Қутлимурат Сабиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ, вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳамда идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар. Видеоконференцалоқа орқали туманлардаги масъуллар, маҳалла ходимлари, хотин-қизлар фаоллари ва касба уюшмалари вакиллари ҳам муҳокама-мулоҳазаларга қўшилдилар.

Таъкидландики, «Аёллар дафтари» тизими эҳтиёжманд хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва амалий ечим топишнинг самарали механизми сифатида ўзини намоён этмоқда. Ўтган олти босқич давомида Хоразм вилоятида 286 минг 771 нафар хотин-қиз қамраб олинди. Еттинчи босқич доирасида эса вилоятда 60 минг нафар аёлни манзилли қўллаб-қувватлаш режалаштирилган.

Президент топшириги асосида «Аёллар дафтари»нинг янги тахрирдаги низоми ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 239-сонли қарори билан тасдиқланди. Янги тартибнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг қамрови ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Йиғилишда ҳужжатнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, уни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди. Масъул раҳбарлар томонидан тизим самардорлигини оширишга қаратилган тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди, ҳеч бир аёл эътибордан четда қолмаслиги кераклиги таъкидланди. Шу мақсадда бандлиги таъминланмаган, уй-жойга муҳтож, соғлигини тиклаш ёки яхшилашга эҳтиёжи бор, тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам зарур опа-сингилларни тўлиқ қамраб олиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қув-



ватлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтириш масалалари ҳам эътиборда бўлди. Муаммолар таҳлил этилиб, уларни баргараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Ҳамид АЛЛАЯРОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши бош мутахассиси

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

тадбирлар «Инсон қадрини учун» деган улуғвор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилмоқда.

Мазкур тизим доирасида уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга эҳтиёжманд, таъйин ва зўравонликка учраган, шунингдек, ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аёллар тўлиқ қамраб олинмоқда. Айниқса, қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар янада кўпаймоқда.

Бу муҳим жараёнларни тизимли, шаффоф ва самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгашида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясидан масъул сифатида бириктирил-

ганлар ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улугбек Жаленов, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Саидмурод Тўхтаев мазкур жараёнда бирорта ҳам хотин-қиз давлатининг эътибори ва ғамхўрлигини четда қолмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилиш якунида маҳаллабай ишлаш тизими асосида аёлларнинг ҳаётини муаммоларини аниқлаш, уларни манзилли ҳал этиш ҳамда ҳар бири билан индивидуал шугулланиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар берилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Хаёт бу ўзликни англаб етиш эмас,
балки ўзликни шакллантиришдир.

Бернард Шоу

ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Айни дамда Қашқадарё вилоятида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ўғил-қизларни кутиб олмоқда.

Яккабоғ туманидаги «Темур авлодлари» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган йиғилишда мавсумолди тайёргарлик ишлари агрофлича муҳокама қилинди. Унда касаба уюшмалари, ички ишлар, Миллий гвардия, соғлиқни сақлаш ва санитария соҳаси масъуллари ҳамда оромгоҳ раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда болаларни тоза ичимлик сув ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, чўмилиш ҳавзаларини озода сақлаш ҳамда оромгоҳлар ҳудудини ободонлаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилди. Айрим оромгоҳлардаги камчиликлар танқид қилиниб, уларни қисқа муддатда бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги йилларда оромгоҳларни таъмирлаш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Шахрисабз туманининг тоғ бағрида жойлашган «Гулнора» оромгоҳи тўлиқ қайта қурилиб, замонавий қиёфа касб этди. Бу ерда жорий мавсумда 800 нафар боланинг мазмунли дам олиши режалаштирилган.

Шунингдек, «Лочин», «Сирли коинот», «Бе-руний» ва «Зиё чашмалари» оромгоҳларида ҳам яратилган шароитлар эътироф этилмоқда. Биргина «Лочин» оромгоҳи бир навбатда минг нафар болани қабул қилиш имкониятига эга бўлса, «Сирли коинот»нинг қамрови эса бир неча минг нафарни ташкил этади.

Жорий йилги мавсумда вилоят бўйича 23 минг нафардан ортиқ болани соғломлаштириш режалаштирилган. Қашқадарёдаги болалар оромгоҳлари 5 июндан фарзандларимиз учун ўз бағрини очди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Ёзги соғломлаштириш

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида 2026 йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига старт берилди. 3 июнь кuni ҳудуддаги 10 та стационар болалар оромгоҳида биринчи смена ўз ишини бошлади.

Мавсумнинг илк куни Нукус шаҳри марказида ўзига хос байрамона муҳит ҳукм сурди. Минг нафарга яқин бола Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бешта ва битта хусусий оромгоҳга тантанали равишда кузатилди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу жараёнда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг ҳудудий

бошқармаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши, ички ишлар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, тиббиёт мутахассислари ҳамда педагог-тарбиячилар фаол иштирок этдилар.

Биринчи сменада юзлаб ўғил-қизлар ҳудуддаги «Оқ кема», «Орол болалари», «Айдин жол», «Турон» каби етакчи соғломлаштириш масканларига йўл олишди. Бундан ташқари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида фаолият юритаётган 69 та кундузги соғломлаштириш майдончасига 3350 нафар бола жалб қилинди.

Зухра РАҲИМОВА

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Усмонович Ғафуров 89 ёшида вафот этди.

И.Ғафуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ни филолог – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича таъминлади. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Давлат бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир сифатида бошлаб, кейинчалик узоқ йиллар Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

И.Ғафуровнинг ижтимоий фаол ижодкор, чинакам маърифат фидойиси сифатидаги юксак фидолатлари у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган йилларда яққол намоён бўлди. Филология фанлари номзоди И.Ғафуров ижодий ва ижтимоий фаолиятни педагогик билан уйғун ҳолда олиб бориб, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети сингари нуфузли олийгоҳларда талабаларга дарс берди ва юқори малакали филолог ва журналист кадрлар тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатди.

И.Ғафуров мамлакатимизда кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди. У

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимларида самарали иш олиб борди. Ёрқин истеъдод, кенг билим ва тафаккур эгаси бўлган И.Ғафуров ўзидан бой илмий, адабий-бадиий мерос қолдирди.

Унинг 60 йилдан зиёд меҳнат фаолияти мобайнида ҳасос адабиётшунос олим, донишманд адиб сифатида ўзбек адабиётининг долзарб назарий ва амалий масалаларига, хусусан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари улуг адиб ва шоирларимиз асарларининг бадиий таҳлиliga бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва рисоалари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари миллий маънавиятимиз казinasига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

И.Ғафуров инсоннинг қалб кечинмаларини, юксак гуманистик голярни тараннум этадиган бадиий ва публицистик асарлар, адабий-маърифий мавзудаги фильмлар учун ёзган сценарийлари билан ҳам адабиётимизда ўчмас из қолдирди. У жаҳон адабиётининг ўнлаб мумтоз намуналарини, хусусан, Ф.Достоевский, Г.Мопассан, Э.Хемингуэй, Г.Маркес, Ж.Жойс, Ч.Айтматов каби адибларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, бадиий таржимачилик соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратди. Моҳир сўз



санъаткорининг серқирра истеъдоди Янги Ўзбекистон шароитида янада яққол намоён бўлди. У мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида умрининг охирига қадар фаол иштирок этиб келди. И.Ғафуровнинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони, «Дўстлик» ва «Меҳнат шухрати» орденлари билан мукофотланди.

Заҳматкаш олим, атоқли адиб, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Иброҳим Ғафуровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Т.Норбоева, Н.Исмоилов,
А.Арипов, С.Саидов, С.Турдиев

1211 эшиктади
Шундай фарзандлар борки, уларнинг меҳри ва ғамхўрлиги ота-онаси учун катта таянчга айланади. Айниқса, қиз боланинг отасига бўлган муносабати ҳақида халқимиз бежиз «Қиз отасига меҳрибон бўлади», демайди. Фарғоналик Манзураҳон Имомова ҳам ана шундай қизлардан бири. Отаси оғир хасталикка дучор бўлиб, ҳаракатланиш имконияти чекланиб қолган синовли кунларда у сабр-матонат билан иш юритиб, фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этди.

Қўнғироқ ортидан КЕЛГАН ҚУВОНЧ

Ушадарининг аҳволини энгиллаштириш илжинида кўплаб шифокорларга мурожаат қилди, турли муолажаларни амалга оширди. Аммо кутилган натижага эришиш осон кечмади. Шундай кунларнинг бирида яна бир муаммо кўндаланг бўлди. Эргашали ака учун ногиронлик аравачасига эҳтиёж янада ортиди. Бироқ оиланинг уни харид қилишга имкони йўқ эди. Манзураҳон таниш-билишларидан ёрдам сўраб кўрди, турли йўللار билан маблағ топишга ҳаракат қилди. Аммо, барибир, фойдаси бўлмади.

Отаси дардига малҳам излаган қиз охир-оқибат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг инсонларнинг мурожаатларини эшитиш ва уларга амалий кўмак кўрсатиш мақсадида ташкил этилган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилди. У ўзининг дардини, отасининг аҳволини масъулларга етказди. Мурожаат зудлик билан ўрғанилди ва қисқа фурсатда Эргашали акага ногиронлик аравачаси етказиб берилди. Оила аъзоларини қийнаётган муаммоларнинг бири қисми энгиллашди, умид учкунлари яна ёна бошлади.

ИСТАК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ушадарининг ўттиз уч йилини одамлар саломатлиги йўлида хизмат қилишга бағишлаган, пенсияга чиқишига атиги бир қадам қолган булунгурлик ҳамшира Гавҳар Маҳмудова ишсиз қолди. Тиббиёт тизимида штаб бирикларини меъёрлаштириш баҳонасида амалга оширилган қисқартиришлар туфайли у 2025 йил ноябрь ойида вазифасидан озод этилди. Дастлаб тақдирга тан бергандек бўлди. Аммо оиласида

юз берган оғир жудодик уни яна меҳнат қилишга ундади. Тажрибали ҳамширанинг иш сўраб қилган мурожаатлари турли ваз-корсонлар билан рад этилаверди. Охир-оқибат Гавҳар Маҳмудова касаба уюшмаларининг аёллар муаммолари билан ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилишга мажбур бўлди. Жамоат ташкилоти аралашуви натижасида у Булунгур тумани тиббиёт

бирлашмасининг туғуруқ бўлими ҳамшираси лавозимига тайинланди. – Ёлғиз боқувчимиздан айрилиб, оғир ахволга тушиб қолганимизда ҳолатимизни тушуниб, чин дилдан кўмак кўрсатган касаба уюшмаларига раҳмат, – дейди у. – Жамиятимизда ҳеч бир оила ва аёл эътибордан четда эмаслигини яна бир бор чин дилдан охид қилдим.

Нурбек
ФАХРИДИНОВ

ҲАҚ ҲАМИША ҒОЛИБ

Қумқўрғон туманидаги «Давлатсой» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси Отабек Жумаев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилиб, суд жараёнида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўмак сўради. Шу асосда судда иштирок этиб, иш бўйича ҳуқуқий ҳулоса тақдим қилдик.

Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг ҳал қил

лув қарорига кўра, Отабек Жумаев лавозимига тикланди. Шунингдек, мажбурий бекор юрган кунлари учун жавобгар ҳисобидан унинг фойдасига 32 миллион 74 минг 400 сўм иш ҳақи ҳамда 9 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Бошқа бир ҳолатда Шўрчи тумани 1-политехникуми директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Нурилла Менглиев меҳнат ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилди. Судда дастлаб даъво рад этилгач, апелляция босқичида касаба уюшмасининг ҳуқуқий кўмаги билан

иш қайта кўриб чиқилди. Сурхондарё вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қабул қилган ажримга мувофиқ, Нурилла Менглиевнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Ушун туманидаги 36-умумтаълим мактабининг чақириққача бошлангич тайёргарлик фани раҳбари Жавҳар Абдурауловнинг ҳуқуқлари ҳам касаба уюшмаси томонидан судда ҳимоя қилинди. Фуқаролик ишлари бўйича Сарисийё туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан, ходим фойдасига иш қидириш даври учун

кафолатли тўлов сифатида 1 миллион 695 минг 540 сўм, ҳисоб-китоблар кечиктирилгани учун 6 миллион 836 минг 544 сўм ҳамда почта харажатлари учун 41 минг 200 сўм, жами 8 миллион 573 минг 284 сўм маблағ ундириб берилди.

Бу мисоллар касаба уюшмалари фақат маслаҳат берувчи эмас, балки меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилувчи жамоат институти эканини яна бир бор тасдиқлади.

Зариф ҲОЛОВ,
Ўзбекистон
касаба уюшмалари
Федерациясининг Сурхондарё
вилояти кенгаши меҳнат
ҳуқуқ инспектори

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

Бугунги шиддатли ислохотлар даврида меҳнат бозорига барқарорликни таъминлаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада касаба уюшмалари томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий шериклик тамойиллари адолатни қарор топтиришда энг самарали воситадир.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгашида ташкил этилган «Ижтимоий мулоқот механизми – Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия» мавзусидаги амалий семинар айна шу долзарб

масалаларга бағишланди. Анжуманда сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Ш.Чориева комиссияларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ишчи-ходимлар ҳаётидаги ўрни ва ҳуқуқий мақоми хусусида



батафсил тушунчалар бериб ўтди. Бош ва тармоқ келишувлари, шунингдек, жамоа шартномаларини тузишнинг ўзига хос тартиблари, қонуний асослари ҳамда ижросини тизимли назорат қилиш билан боғлиқ энг муҳим жиҳатларга алоҳида тўхтади.

– Мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатлари мутлақо янги, юксак даражага кўтарилди, – деди мутахассис. – Бироқ ҳар қандай тизимнинг кучи ва самараси унинг қуйи бўғинларда қандай ишласи билан белгиланади. Шу боис ижтимоий шерикликнинг бошлангич даражадаги фаолиятини янада кучайтириш, уни тизимли ва тўғри ташкил этиш бизнинг бош мақсадимизга айланиши зарур. Агар бошлангич ташкилотларда меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаол ишласа, жамоаларда ноҳақлик ёки тушунмовчиликлар кузатилмайди.

Семинарда иштирокчилар қизгин баҳс-мунозараларга киришиб, соҳада мавжуд айрим муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Тадбир якунида сўз олган тармоқ фаоллари ва бошлангич ташкилот раислари бу каби ўқувларнинг амалий аҳамиятини юқори баҳоладилар.

Сардор ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Бухоро вилояти кенгаши
бўлим мудири

Дунёдаги энг қиммат бойлик вақтдир.
Бенжамин Франклин

Улкан марралар ва юксак манзилларни кўзлаётган

ФАРҒОНА



БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА КАТТА ЯНГИЛИКЛАР РЎЙ БЕРМОҚДА ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ, УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ, ВИЛОЯТ ҲОКИМИЛИГИ ҲАМДА КОНТЕНТ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА УЮШТИРИЛГАН САФАР ДАВОМИДА БУНГА ЯНА БИР БОР ГУВОҲ БЎЛДИК.



Икки кун мобайнида водийнинг замонавий қиёфаси, одамларнинг кайфияти, ҳаёт тарзи, хунармандчиликдан тортиб саноатгача бўлган соҳаларда янги технологиялар қандай қўлланилаётгани билан танишиб, вилоят улкан мақсадлар сари дадил одимлаётганига қатъий ишонч ҳосил қилдик.



Фаргона узоқ вақт мобайнида кўпчилик томонидан хунармандлар, деҳқонлар, борбонлар ва тадбиркорлар юрти сифатида тан олинб келинган. Албатта, бу бежиз эмас. Марғилон атласи, Риштон кулолчилиги, Қувасой саноати, Қува мевалари — буларнинг барчаси водий халқининг меҳнаткаш ва ундабурон эканлигидан далолат беради.



Пресс-тур давомида бизнинг бу бордаги қарашларимиз янада кенгайди. Чунки бугунги Фаргона нафақат анъанавий хунармандчилик ёки қишлоқ хўжалиги, балки инновация, рақамли технология, сунъий интеллект, «яшил» энергетика, экспортбop саноат ва замонавий туризм билан ҳам нафас олаётган ҳудудга айланиб бормоқда.



Пресс-тур доирасида бир қатор муҳим объектларда бўлдик. Бизда, айниқса, AT Park мажмуаси, «Farg'ona Expo» халқаро кўргазмалар маркази, Қувасойдаги «Crown Ceramic» қўшма корхонаси, Қува туманидаги агро-вольтаика мажмуаси, «Қува Агростар» корхонаси ҳамда «Каркидон» сув омбори ҳудудида барпо этилаётган туризм мажмуаси катта таассурот қолдирди. Мазкур лойиҳаларнинг ҳар бири Фарғонанинг янги иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини шакллантираётган ягона тизимнинг таркибий қисмига айланиб улгурган.



ХУНАРМАНДЧИЛИКДАН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ
Фаргона шаҳридаги IT Park мажмуаси бугунги водийнинг энг рамзий лойиҳаларидан бири, десак, муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга 2024 йил август ойидаги ташрифи давомида берилган топшириқлар асосида барпо этилган мазкур мажмуага 150 миллион сўм бюджет маблағи йўналтирилган. Бир қарашда бу оддий ўқув марказидек туюлиши мумкин. Аслида унинг мазмунига чуқурроқ назар ташласак, бу ерда келажак иқтисодиёти шаклланимоқда. Марказ бир вақтнинг ўзида 200 нафаргача фойдаланувчини қамраб олади. Йилга 3 мингдан зиёд ёшлар AT йўналишида билим олиши, амалий лойиҳаларда иштирок этиши ва замонавий касбларни эгаллаши мумкин.



Бу ерда фрилансерлар учун коворкинг муҳити, резидент компаниялар учун офислар, таълим ва ишлаб чиқаришни боғлайдиган тизим яратилган. Энг муҳими, ёшлар диплом олишдан ташқари даромад топиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Вилоят ҳокимининг рақамли технологиялар бўйича маслаҳатчиси Баҳром Жалилов марказ ҳақида шундай дейди:
— Илгари ёшлар AT соҳаси учун Тошкентга интиларди. Энди эса Фарғонанинг ўзида халқаро даражада ишлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу ерда ўтириб хорижий компанияларга хизмат кўрсатиш мумкин. Сўнгги йилларда вилоятимизда ахборот технологиялари хизматлари ҳажми тўрт баробарга ошди, экспорт ҳажми эса 23 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби ёшларимиз ҳунар билан бирга дастурлашни ҳам ўзлаштираётганидир.

«FARG'ONA EXPO» — ИНВЕСТИР ВА ТАДБИРКОРНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН МАЙДОН
Фаргона шаҳридаги «Farg'ona Expo» халқаро кўргазмалар маркази ҳудуд иқтисодиёти янги босқичга кўтарилаётганини аниқлатади. Беш гектар майдонни

эгаллаган мажмуада 200 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этиши мумкин.

Бу ер фақат кўргазмалар зали эмас, иқтисодий мулоқот майдонига ҳам айланган. Марказнинг дастлабки икки қавати савдо, инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотларга ажратилган. Юқори қаватларда эса инвесторлар ва бизнес вакиллари учун офислар мавжуд.

Марказ фаолияти билан таништирар экан, мажмуа раҳбари Илҳом Низомов шундай деди:

— Илгари инвестор топиш учун ойлаб сарсон бўлардик. Энди тадбиркор ёки хунарманд марказимизда маҳсулотини намойиш қилиб, ҳамкорларни осон топмоқда. Эътиборлиси, марказ иқтисодий ўсишга, ҳудуд имижини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳудудни айланар экансиз, Фаргона вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат салоҳияти қай даражада эканини яққол хис қиласиз. Бир томонда адрас ва ипак гиламлар, болалар пойабзали, тўқимачилик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмлари, маиший техникалар, ҳатто кичик электромобиллар ҳам намойиш этилган. Уларнинг барчаси вилоят уста-хунармандлари ва салоҳиятли юртдошларимизнинг меҳнати маҳсулидир.

ҚУВАСОЙДАГИ САНОАТ МЎЪЖИЗАСИ

Қувасой шаҳридаги «Crown Ceramic» қўшма корхонаси Фарғонада саноат қанчалик тез ривожланаётганининг бир исботи. Корхона йилига 8 миллион квадрат метр керамогранит плита ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Италия, Испания ва Хитой маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Ишлаб чиқаришнинг 97 фоизи маҳаллий хомашдан тайёрланмоқда. Оддий сой тоши инсон заковати ва технология орқали ишлов берилиши натижасида юқори сифатли экспорт маҳсулотига айланмоқда.

Корхонада меҳнат жараёнлари рақамлаштирилган. Сувни қайта ишлаш технологиялари, чанг ютиш ускуналари ва энергия тежовчи мосламалар тадбиркорга фойда келтирса, атрофга ва экологияга безарар. Бу Фарғонада «яшил саноат» шаклланаётганини кўрсатади. Фурсатдан фойдаланиб, корхона раҳбари Бобуржон Султоналиевни кичик сўхбатга қорладик.

— Техника йўналиши бўйича юртимизда, кейин эса Хитой ва Италияда тахсил олганман. Анча олдиндан шундай саноат корхонаси ташкил этишни мақсад қилгандим. Ҳамкорларимиз хитойликлар. Улар ускуналар олиб келди, биз эса шароит яратдик. Бугун 400 нафар юртдошимиз иш билан таъминланган.

Президентимиз яқинда вилоятимизга ташрифи чоғида заводимиз фаолияти билан ҳам танишиб, аввало, ички бозорни маҳсулот билан таъминлаш, сўнгра экспортни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу боис ҳозир асосий эътиборни маҳаллий бозорга қаратганмиз.

Маълум бўлишича, керамогранит плиталарнинг 1 квадрат метри ички бозорда 10 доллар, экспорт учун эса 30 доллар атрофида сотилмоқда.

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҲУНЛАШГАН МАСКАН

Сўнгги йилларда туризм объектлари мутлақо янги қиёфада барпо этилмоқда. Энди сайёҳ дам олиш жараёнида ўша ҳудуднинг тарихи, урф-одатлари ва миллий муҳити билан ҳам танишади.

Марғилонда 35 гектар майдонда қад рoстлаган Бурхониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси ана

Бунёдкорлик

шундай лойиҳалардан бири бўлди. Қиймати 1,7 триллион сўмлик ушбу мажмуа ўтмиш ва бугунги боғловчи маънавий кўприк вазифасини бажармоқда. У ерда хунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишади, сайёҳлар эса асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари билан танишади.

Кўпчиликда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари асосида яратилган рамзий ҳовли катта таассурот қолдиради. Мирзақарим Қутидор хонадони XX аср меъморчилигига мос тарзда қайта тикланган бўлиб, меҳмон 3D форматдаги сахналар орқали гўё асар воқеалари ичига кириб қолгандек бўлади.

Карвонсаройлар, хунармандлар дўконлари ва бозор муҳити Марғилон халқининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлигини келганларга кўз-кўз қилади гўё. Мажмуа йилига 250 минг нафар хорижий сайёҳни қабул қилиши кутилмоқда.

«ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ҲАМ ЁНАДИ»

Қува туманидаги агро-вольтаика мажмуасида тоқзор яратилиб, боғнинг ўзидан қуёш панели орқали электр олиш йўлга қўйилган. Қаторлар орасига қовун-тарвуз экилган. Бундан ташқари, кластер балиқчилик, чорвачилик йўналишида ҳам маҳсулот этиштирилади.

Австриянинг «Ваегер» технологияси асосида жорий этилган ёмғирлатиб сугориш усули аввал республикадаги фермер хўжалиқларида синоддан ўтказилиб, сув сарфини 40, ўғитни 35, қўл меҳнатини 90 фоизга камайтириш, ҳосилдорлигини 25 фоизга ошириш самарасини кўрсатган. 110 гектар майдонни эгаллаган мажмуада интенсив боғдорчилик, чорвачилик ва балиқчилик йўналишлари уйғунлаштирилган. Бу қайта тикланувчи энергия манбалари ва сув тежовчи технологиялар жорий этилган мамлакатимиздаги илк агромажмуалардан бири ҳисобланади.

Ҳудудда 10 мингта қуёш панели ўрнатилган. Улар электр энергияси ишлаб чиқариш билан бирга туپроқ намлигини сақлаш ва экинлар учун соя ҳосил қилишга хизмат қилади. Балиқчилик ҳовузларида кислород бериш жараёни электр энергияси ҳисобига амалга оширилади, ҳовуз суви эса минерал моддаларга бой ҳолда узумзор ва боғларни озиклантиришга йўналтирилади. Ваҳолаки, бу ерда туپроқ шўр бўлиб, экин ўсиши жуда кийин. Аммо деҳқончиликка илм ва технология асосида ёндашилиши «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деган мақолнинг исботи бўлмоқда.

Чорвачилик йўналишида қорамоллар қуёш панеллари соясида сақланади, боғ ҳудудидаги ўтлар билан озикланади, органик ўғит эса ер унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Шу тарихи мажмуада энергия, сув, озуқа ва ўғит бир-бирини тўлдирувчи ягона тизимга бириштирилган. Ҳозирда агромажмуада узуминг экспортбop «Аватар» нави этиштирилиб, зотдор қорамол ва қўйлар алоҳида парваришланмоқда. Натижада 100 дан ортиқ оиланинг даромади оширилиб, 350 нафар аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Экспорт ҳажми 2,5 миллион долларни ташкил этади. Эндликда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа учун нег бўлган ушбу тажрибани республиканинг 13 та ҳудудида 2 минг гектар майдонда оммалаштириш режалаштирилган.

— Қуёш панелларидан олинаётган энергияни чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчиликда ишлатяпмиз. Ортиқча энергияни эса давлатга сотаяпмиз, — дейди тадбиркор Хуршид Саидов. — Фақат шунинг ўзидан сўнгги етти ойда 450 миллион сўм соф фойда олдик. Замонавий технология имкониятлари билан танишиб, кейинги манзилга йўл олар эканмиз, Президентимиз мазкур кластер фаолиятини бутун республика бўйлаб оммалаштириш бўйича топшириқ бергани сабабини аням чуқурроқ аниладик.

ТУРИЗМ — ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

Сафаримизнинг сўнгги манзилларидан бири «Каркидон» сув омбори ҳудудида барпо этилаётган туризм маскани бўлди. 508 гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуада шале, меҳмон уйлари, агротуризм ҳудудлари, экобозор, лавандазор ва экстремал туризм объектлари қурилмоқда. Келгусида мотокросс, картинг, гольф майдонлари ва дор йўллари ҳам барпо этилади.

Лойиҳа ташаббускорларининг айтишича, мажмуа йилига 750 минг нафар сайёҳни қабул қила олади. Эътиборлиси, бу ерда туризмага фақат дам олиш воситаси эмас, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида ҳам қаралмоқда.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Пресс-тур давомида бу обод диёрдаги янгиликлар, кечаётган жараёнлар бутун мамлакатимиз учун намуна вазифасини ўтаётганига амин бўлдик.

Ўлкада анъана ва инновация, хунармандчилик ва AT, қишлоқ хўжалиги ва «яшил» энергетика, туризм ва саноат ўзаро уйғунлашган ҳолда ривожланмоқда. Энг муҳими, одамлар иш ўринлари яратиш орқали ўзлари ва халқимизга имкониятлар эшигини ҳам очмоқда.

Пойтахтга қайтар эканмиз, Фарғонадаги каби янгиликлар ва тараққиёт юртимизнинг барча ҳудудларида юз беришини тиладик. Зеро, Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси обод ва фаровон бўлиши, бутун халқимиз муносиб яшати керак.

Зебо НАМАЗОВА
«ISHONCH»

Ташаббус

Иқлим ўзгариши, қурғоқчилик, ерлар деградацияси йил сайин катта муаммоларга «доя»лик қилмоқда. Оқибатда анъанавий экинлардан мўл ҳосил олиш қийинлашмоқда. Глобал иқлим энди қурғоқчил ўсимликларни этиштиришни, улар орқали нафақат табиий муҳитни сақлаб қолиш, балки муайян даромад олишни ҳам тақозо этмоқда.

Ана шундай шароитда табиатнинг ўзи инсонга инъом этган бир қатор ноёб неъматлар борки, уларнинг қадрини кўпам илғайвермаймиз. Иссиққа ҳам, совуққа ҳам бардош берадиган, қурғоқчиликдан қўрқмайдиган, минг йилгача яшаши мумкин бўлган бетакрор ўсимликларимиз бор. Бугун наботот оламининг беоназир туҳфасига меҳримиз қайта уйғонмоқда.

— Президент администрациясининг 2026 йил 3 февралдаги йиғилишида Нуробод туманида йирик писта плантацияларини ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди, — дейди тумандаги Саройқўрғон давлат ўрмон хўжалиги директори Аҳмадjon Саъдуллаев. — Соҳа вакиллари зиммасига ўн йиллик дастур асосида ҳар йили 5 минг гектар писта плантацияларини барпо этиш вазифаси юклатилди. Ўрмон хўжалигимизга туман захира ерларидан 50 минг гектар майдон ажратиладиган бўлди. Жорий йил баҳорида туман миқёсида 542 гектар майдонда писта плантациялари барпо этдик.

Бу оддий аграр лойиҳа эмас, аксинча, сув танқислигига мослашиб, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган стратегик дастурдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш ва сугориш тизимини йўлга қўйиш учун давлат бюджетидан 21 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Лойиҳа доирасида 50 дан ортиқ қудуқ қазилади ва шунча сув ҳавзаси барпо этилади. Ҳудуддаги Пўлатчи, Нурдум, Машъал ва бошқа маҳалаларда яшовчи ишсиз, кам таъминланган 500 нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланади. Энг муҳими, уларга шартнома асосида томчилатиб сугориш тизимига эга 5 гектардан 10 гектаргача ер майдонлари топширилади.

Сир эмас, вилоятда пистачиликни ривожлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилганига анча бўлди. Хусусан, Пастдаргом туманидаги «Чарос агро узум» МЧЖ, «Ўғил она» фермер хўжалиги, Ургут туманидаги «Мадина лозатли узумзорлари»да пистазорлар барпо этилган. Қолаверса, жорий йилнинг ўзида вилоятдаги 10 та ўрмон хўжалигининг ҳар бирида 500 гектар майдонни пистазорларга айлантириш ишларига қўл урилди.

Писта — оддий дарахт эмас. Айрим манбаларда унинг 40 даража иссиққа ҳамда совуққа чидамли экани қайд этилади. Энг муҳими, сувни кўп талаб қилмайди. Илдири ернинг чуқур қатламларига кириб бориб, табиий намлик ҳисобига йиллаб яшайди ва ҳосил беради.

— Пистанинг иқтисодий аҳамияти ҳам беқиёс. Меваси таркибида 60 фоизгача мей, 20 фоизгача оксил мавжуд. Диетик ва экспортбop маҳсулот сифатида жаҳон бозорига унга талаб юқори. Тўғри парвариш қилинса, бир гектардан 5-6 тоннагача ҳосил олиш мумкин, — дейди қишлоқ хўжалиги фахрийси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаса уюшмаси Нуробод тумани кенгаши раиси Муҳиддин Сунонов. — Масаланинг нозик томони шундаки, у экилганидан сўнг дастлабки уч йил давомида сугориб турилса, кифоя. Кейинчилик табиатнинг ўзидан обиҳаёт олиб яшайди. Бундан кўриниб турибдики, писта нафақат табиатни муҳофаза қилади, балки юқори даромад ҳам келтирилади.

Нуробод қир-адирларида қанот ёзган ташаббус эртанги кун учун қўйиллаётган мустақкам пойдевордир. Чунки келажакда кам сув талаб қиладиган, аммо қиймати юқори экинларга алоҳида эътибор қаратиш шароит тақозосига айланмоқда. Шу тарихи писта нафақат дарахт, балки иқтисодий барқарорлик, экологик муҳофаза ва халқ фаровонлигининг муҳим кафолатига айланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ ЯШИЛ ҲАМ

Агар сиз юз марта йиқилсангиз ҳам, юз биринчи марта туриш учун сабаб топинг. Инсоннинг ҳақиқий кучи айнан шунда намоён бўлади.

Конфуций

СУКУНАТНИНГ ҲАМ ОВОЗИ БОР...

Тақдимот

Баъзан энг кучли чинқириқлар ҳам ҳеч кимга эшитилмайди. Аммо шундай сукунатлар бўладики, уларнинг ичидидаги пичирлаш бутун жамиятни серган тортиради. Журналист Алижон Абдурахмоновнинг турли йилларда, турли матбуот нашрларида chop этилган энг сара мақолалари жамланган янги китобини қўлимга олганимда, шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Китоб рамзий номланган – «Сукунат овози».



Унда жамиятнинг ичга ютилган оғриқлари, унутилган оғриқлари, унутилган оғриқлари ва моддийлик ортдан қувшимиз ҳисобига қимматга тушаётган муаммолар кўрсатиб берилган. А.Абдурахмонов қарийб 30 йилдан буён турли даврий нашрлар таҳририятида ишлаб келмоқда. Айни пайтда эса «Ishonch» газетасида бўлим муҳаррири сифатида фаолият юритмоқда. Утган давр мобайнида муаллиф турли мавзулар ва жанрларда баракали ижод қилди, кўплаб танқидий-таҳлилий мақолалар ёзди, журналист сурштирувлари олиб борди. Китобга 30 йиллик ижоднинг энг сара намуналари танлаб олинган учун ундаги ҳар бир таҳлилий-танқидий мақола, суҳбат, эссе вақт билан ўқийсиз. Мавзулар сизу биз кўрган, дуч келган ҳаёт ҳақиқатлари. Аммо унинг оғриқлари, далил-исботлари ўзига хос. Сизни эътибор қила олмаган мавзунингизга жиддийроқ назар ташлашга, мулоҳаза қилишга чорлайди.

мақоласида қандайдир муаммони кўтарган. Айтмоқчи бўлган гапи, ўзига хос услуби бор. Шу боис унинг ҳар бир чикиши долзарб, юкли. Ижодий ишларнинг бир жойга йиғиб тўплам бўлгани янада аъло иш бўлибди, энди бу талабаларга ҳам асқатади. – «Ishonch»ни ҳам танқидий, ҳам ижобий руҳда доимий кўзатиб бораман. Шу боис бу китобдаги аксарият мақолаларни ўқиган эканман, – дейди профессор Халим Саидов. – Тўпламда «Ўзгарисиз ўзгараётган тавла» деган мақола бор. Унда соҳада кечаётган инқирозли ҳолатлар жуда яхши таҳлил қилинганки, тилга олинган ҳар бир масала бўйича ўрганиб, яна 10 та мақола қилиш мумкин.

Китоб сўзбошида таниқли адибимиз Хуршид Дўстмуҳаммад: «Агар журналистлар мактаб ўқитувчиларига ўхшаб тоифага ажратилганида, Алижон Абдурахмоновни заррача иккиланмай олий тоифали журналистлар сафига қўшган бўлур эдим. Биламан-да, танийман-да, иккиланмай кафиликдан толмайман: кўпни кўрган ҳамкасбим билан бир ижодий жамоада елкама-елка хизмат қилиш насиб этган. Танги, мард йиғит. Зоҳиран гоаят вақтин, босиқ, сермулоҳаза кўринади-ю, ботинан Жиззахнинг бепоён далаларидан, виқорли тоғларидан қолишмайди», дея ёзади.

Тўпламдаги «Жиноятчи китоб», «Шайтон мойи соғилади», «Китобдан қўлингни торт, саводисиз!», «Қўшиги йўқ болалар» каби мақолаларни ўқир экансиз, бунга сиз ҳам амин бўласиз. Уларда ношириликда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларга аччиқ мисоллар келтириб, соҳада назоратни кучайтириш лозимлигини, акс ҳолда, саводсизлик билан тайёрланаётган

китоблар келажакимиз эгалари ёшларнинг дунёқарашига жиддий таҳдид бўлишини қуюнчақлик билан ёритади. «Бу бош омон бўлса», «Зўраки зўр»лар билан очиб берилади. «Йўқ» дейиш санъати ёхуд «Шум боланинг тарафини ким олади?» мақоласида эса жойларда қасаба уюшмасига аъло бўлишини истамаётган ташкилотларда айтилаётган ваз-корсонлар, аслида қасаба уюшмаси ташкил этилиши ишчи-хотим учун қандай манфаат келтириши ўзига хос тарзда баён этилган...

Тадбирда Шерзодхон Қудрат-хўжа, Зухриддин Исомиддинов, Чори Латипов, Абдунаби Ҳайдаров, Миродил Абдурахмонов, Акбар Нурматов, Мухтарам Улуғвалар ҳам сўзга чиқди. Улар китобнинг ўзига хос таъсири тили, сарлавҳалари, айрим мақолалар аянчи йиллар олдин ёзилган бўлишига қарамай, бугунги кун учун ҳам долзарб эканини эътироф эттиди.

Муаллифнинг бунгача «Вазн-сиз юк» китоби нашр этилган бўлиб, «Сукунат овози» унинг иккинчи китоби. Ҳамкасбимиз шонли китоб чиқармади. Нашр олдида мақолалари каби пухта изланиб, тайёргарлик кўриб, кейин босишга топширилди. Шунинг учун бўлса керак, китоб залворли.

Ҳақиқий журналистика намунаси бўлган «Сукунат овози» соҳамизга муборак бўлсин!

Зебунисо ЯНГИБОЕВА



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

ФУТБОЛ ИЧИДА, ФУТБОЛ АТРОФИДА

Ўтаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир соат бизни футбол бўйича жаҳон чемпиони бошланадиган кунга яқинлаштирмоқда. Шу муносабат билан мундиалга оид кўплаб янгиликлар, хабарлар эълон қилинмоқда. Биз ҳам ана шундай қизиқарли рақам ва маълумотлардан бир чимдим тақдим этамиз.

Ўзбекистонга омад тайилман!

ФИФА президенти Жанни Инфантино ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифасида жаҳон чемпионати арасида Ўзбекистон миллий терма жамоасига муваффақият тилаб пост қолдирди.

Ўзбекистон терма жамоасига шу ёзда Шимолӣ Америкада бўлиб ўтадиган ФИФА жаҳон чемпионатида омад тайилман! Жаҳон футбол саҳнасида ўзининг тарихий дебютини ўтказадиган миллий жамоага энг эзгу тилакларини билдираман. Муҳлисларини фахрлантириш, тарихда янги саҳифа очиб ва бутун дунёга ўз имкониятларини намойиш этиш йўлида уларга муваффақият ёр бўлишини тилаб қолман», деган ФИФА раҳбари.

Каннавародан оптимистик фикрлар

«Жаҳон чемпионатида илк учрашувимизни Колумбияга қарши Мехико шаҳрида ўтказамиз. Гуруҳ босқичидаги учрашувлар ичида айнан шу ўйин усти очиқ стадионда бўлиб ўтади. Шу сабабли унга тайёргарлик ҳам бироз ўзгача кечмоқда. Бироқ жиддий муаммо кўрмаймиз.

Хўстон ва Атлантадаги стадионларнинг томи ёпилади. Ҳатто туш пайти ўй-

насақ ҳам, ҳарорат тахминан +20-24° даража атрофида бўлади. Бу эса футбол ўйнаш учун жуда ҳам қулай шароит», деди терма жамоамиз бош мураббийи Фабио Каннаваро.

Суперкомпьютер нима дейди?

Спорт оламига оид статистик маълумотлар ва тахминлар борасида энг ишончли манбалардан бири ҳисобланадиган Орта суперкомпьютери жаҳон чемпионати гуруҳларининг мураккаблик жиҳатидан рейтингини тузиб чиқди. Унга қўра, терма жамоамиз ишгирок эътадиган К гуруҳи 2-ўринда қайд этилди.

ФИФАдан янги қоидалар

Мундиал бошланишига бир неча кун қолганида Халқаро футбол федерацияси – ФИФА бир қанча янги қоидаларни тасдиқлади. Жумладан:

VARнинг ваколатлари кенгайтирилади

Энди Видеоассистент рефери – VAR ўйин давомида бир футболчига иккинчи сариқ карточка кўрсатилиши, қоида бутун футболчини нотўғри аниқлаш ва нотўғри белгиланган бурчак тўпи қарорларига ҳам аралашши мумкин.

Интезмий жазолар кучайтирилади

Рақиб ўйинчиси билан можаро пайтида оғзини атайлаб ёпиб напланган футболчи қизил карточка олади. Ҳакам қарорига нозрозлик билдириб майдонни тарк этганлар ҳам четлатилади. Агар жамоа ўзбосимчалик билан ўйинни давом эттиришдан бош тортса, унга техник мағлубият ёзилади.

Вақтни чўзишга қарши янги чоралар

Тўпни майдон чети(аут)дан ва дарвозадан ўйинга киритишда 5 сониялик санақ жорий этилади. Агар футболчи белгиланган вақт ичида аутни бажармаса, тўп рақиб жамоага берилади. Дарвозадан зарба бериш чўзилган тақдирда эса рақиб жамоа бурчак тўпини тепиш ҳуқуқига эга бўлади.

Алмаштириш тартиби ўзгарди

Алмаштирилаётган футболчи табло кўтарилганидан кейин 10 сония ичида майдонни тарк этиши шарт. Агар у мазкур талабни бажармаса, унинг ўрнига тушадиган футболчи ўйин қайта бошланганидан ва навбатдаги тўхташдан кейин бир дақиқа ўтгачина майдонга туша олади.

Тиббий ёрдамдан кейин чеклов

Майдонда тиббий ёрдам олган футболчи ўйин қайта бошланганидан кейин камида 1 дақиқа ташқарида қолади. Дарвозабонларга ёрдам кўрсатилгани, жиддий тўқнашувлар, мия қўрқалиши гумони ва айрим бошқа ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади.

Сув ичиш учун танаффус

Ўйиннинг ҳар бир бўлимида 3 дақиқалик сув ичиш танаффуси бўлади. Бу танаффуслар об-хаво шароитидан қатъи назар, жаҳон чемпионатининг барча учрашувларига жорий этилади.

Дармон ИБРОҲИМОВ
«ISHONCH»

Мерос

ХИВАДА ИЛК МУЗЕЙ ҚАЧОН ҚУРИЛГАН?

Тарихи минг йилликлар қаридан ўрин олган Хива бугун дунё сайёҳларини ўзига мафтун этаётган бетакрор музей шаҳаридир. Очик осмон остидаги Ичан-Қалъа мажмуаси ўзининг ноёб меъморий қиёфаси, қадимий обидалари ва бой маънавий хайратга солмоқда.



Хивада илк музейга 1920 йил 27 апрелда асос солинган. Хоразм Халқ Республикаси қурултоғи қарори билан хонлар қароргоҳи бўлган Қўхна Арқда ташкил этилган ушбу кичик музей бугунги музей-қўриқxonанинг илк пойдевори бўлди. Музейни ташкил этишда маърифатпарвар жадидлар – Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Ёш хиваликлар ҳаракати раҳбарларидан Мулла Жуманиёз Султонмуродовнинг хизматлари катта бўлган. 1967 йилда Ичан-Қалъа тарихий-меъморий қўриқхона,

деб эълон қилинди. 1990 йилда эса ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни янада мустақкамланди.

Бугунги кунда музей-қўриқхона худудида 58 та тарихий обиди, 16 та музей бўлими ва 28 та экспозиция мавжуд. Фондда сақланаётган 57 мингдан зиёд ноёб экспонат-

лар халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданиятидан ҳикоя қилади. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан музейлар фаолиятини такомиллаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва туризмни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тохшовли саройи, Жума масжиди каби қатор та-

рихий обидаларда таъмирлаш ва реставрация ишлари олиб борилди. Замонавий аудиогидлар, виртуал музей ва смарт-хариталар каби инновацион хизматлар жорий қилиниши сайёҳларга янада катта қулайлик яратмоқда.

Хивада ўтказилаётган халқаро «Лағзи», «Рақс сеҳри», «Бахшичилик» фестиваллари, миллий концерт ва театр дастурлари ҳам маҳаллий ва хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Хива шаҳри 2024 йилда Ислон дунёси туризм пойтахти деб эълон қилингани унинг халқаро нуфузи юксалаётганининг ёрқин ифодасидир.

Бугун музейлар – халқ тарихи, миллий хотира ва маънавият қўрғони сифатида хизмат қилмоқда. Айниқса, Ичан-Қалъа каби муқаддас масканлар аждоқларимиз меросини асраш ва келажак авлодларга етказишда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Султонпошшо Ўдаева
ижросида

«ОҚ ИЛОН, ОППОҚ ИЛОН»
қўшиғи

Ҳой, оқ илон, оппоқ илон, Ойдинда ётганинг қани? Сен-ку мени ёмон дединг, Яхшини топганинг қани?

Зулфия Мўминова шетьри

Эълон

Ўзбекистон миллий телекомпанияси томонидан «O'zbekiston MTRK telemarkazi» DM овоз ёзини оператори Нурматова Дилсабо Рустам қизи номига берилган №50-75 сонли гувохнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши Жамоаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Жалакудук тумани кенгаши бухгалтери Қодиржон Эркинович Раҳмонова волидаи мухтарамаси

Хуморхон она РАҲМОНОВА
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi).
Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Sulrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nedira G'UYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalp'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV
Musahihchilar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Boshiga topshirish vaqti – 23:00
Topshirildi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta
Shundan: 6 555 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 464 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Sptamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-611**
1 2 3 4 5 6